# Мавзу: “Зумрад қиш”.

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Гурух | | катта | | | | | |
| Мавзу | | Уст, бош ва оёқ кийимлар. | | | | | |
| Даври | | Декабр ойининг 3 хафтаси | | | | | |
| Ривожланиш сохаси бўйича мақсад | Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш | Ташқи орасталикка риоя этиш одатини тарбиялаш, ўз – ўзига хизмат қилиш ва гигиена малакаларига ўргатиш. Мувозанатни сақлашга ўргатиш, харакатлар координатциясини ривожлантириш, баландликка сакрашни мустахкамлаш. | | | | | |
| | Ижтимоий – хиссий ривожлантириш | Тенгдошлари билан хиссий мулоқот шароитида ўз тажрибаларини қўллашга, турли фаолият давомида ижодкорликни намоён этишга ўргатиш. | | | | | |
| | Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари | Сўзлаб беришда оддий ва мураккаб гаплардан мустақил фойдалаинш. Нутқнинг софлиги ва тўғрилигига бўлган интилишни тарбиялаш. Касбга доир сўзларни тўғри талаффуз эта олиш. (тикувчи, бичувчи) | | | | | |
| | Ақлий билишни ривожлантириш | Болаларнинг устки ва оёқ кийимлар хақидаги билимларини кенгайтириш, Фабрика, ательеда кийимларни тикиш билан боғлиқ мехнатга доир тасаввурларни шакллантириш. (дизайнер, моделер, тикувчи, бичувчи) | | | | | |
| | Ижодий ривожланиш | Расмда накш элементларини чизишга ўргатиш (қоғоздан кесилган кийимлар) ўзбек миллий нақшлар асосида. Мўйқалам учи билан наққон ва енгил харакатлар қилган холда тўғри, синиқ, тўлқинсимон чизиқлар чизиш. | | | | | |
| Ривожланиш марказлари | | Таълимий – тарбиявий фаолият | | | | | |
| | | Душанба | Сешанба | Чоршанба | Пайшанба | Жума | Ресурслар жихозлар |
| Мустақил фаолият | Қурилиш ва конструктор ўйинлар математик мавзулар | Тўғри ва тескари санаш. Шар, куб, цилиндрни фарқлаш. | | Ташландиқ материалларидан “Кийим учун жавон” ясаш (қути ва қоғоз) | | | Санаш учун майда ўйинчоқлар, шар, куб, цилиндр. (йирик фигуралар) |
| | Сюжет – ролли ўйинлар ва драммалаштириш маркази | Тикувчилик устахонаси. Кийимлар дўкони. | | | | | “Ателье” ўйини учун жихозлар, қўғирчоқ учун кийимлар |
| | Тил ва нутқ маркази | Қўлланилиш мақсадига кўра кийимларнинг классификацияси: “Мавсумий уст, бош ва оёқ кийимлар” | | | Ўзбек миллий либосларини кўздан кечириш ва тасвирлаш | “Кийимларнинг ишлаб чиқарилиши” хақида слайд ёки альбом томоша қилиш. (дизайнер, тикувчи, бичувчи) | Мавзуга мос расмлар, миллий либослар, қўғирчоқлар |
| | Илм – фан ва табиат маркази | | | Уст, бош ва оёқ кийимлар тайёрлаш учун матоларни нимадан тайёрлайдилар (хайвонлар жуни, пахта, шойи, тери, пат, ипак, сомонлар) | | Матонинг турлари | Хар хил мато бўлакчалари |
| | Санъат маркази | Декоратив расм чизиш. “Қўғирчоқ кўйлагини безатамиз” | | | “Кўйлак” (оригами) | | Акварел бўёқлари, қаламлар, мўйқалам, салфетка, буклаш учун қоғозлар. |
| | Умумий гурух бўлиб ишлаш | | | | | | |

*Декабр 3- хафта*

*“Устки ва оёқ кийимлар”*

*Қурилиш конструкторлаш маркази, математика*

**“1 дан 10 гача тўғри ва тескари санаш. Шар, куб, цилиндрни фарқлаш ”**

**Мақсад:** 1 дан 10 гача тескари санайди. Геометрик шаклларни фарқлайди.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Хисоблаш учун кичик хажмлаги ўйинчоқлар. Шар, куб, цилиндр геометрик
шакллари.

**Фаолиятни бориши:**

1. 1 дан 10 гача бўлган предметларни санаш..
2. Геометрик шаклларни тўғри айта олиш.
3. 10 ичида тўғри ва тескари санаш.

**Қўшимча қисм:** Геометрик шаклларни жонлантириш. Д/Ў: “Битта бир нечта”.

**Эътиборга молик жиҳати.**

Геометрик шаклларга бўлган қизиқишларини ошириш. Бажарилган ишлардан завқланишга ўргатиш.

*Қурилиш конструкторлаш маркази, математика*

**“Ташландиқ материаллардан (қоғозлар ва қутилар) “Кийим учун шкаф”**

**Мақсад:** Қоғоз ва картондан хар хил буюмлар ясашни ўрганишади.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Қути, қоғоз, қайчи, елим, шкаф наъмунаси.

**Фаолиятни бориши:**

1. Тайёр шкафни кўздан кечириш.
2. Ишнинг бажарилиш жараёнини босқичма – босқич кўриб чиқиш.
3. Қутини тенг иккига бўламиз рангли қоғоз билан қутини ўраб оламиз, шкаф учун эшик ясаймиз.
4. Картондан шкаф тутқичини ясаймиз.
5. Болалар ишини кузатиш ва рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** Қоғирчоқлар кийимини тахлашни таклиф қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати.**

Жамоа бўлиб иишлаш, ўз хатти – харакатларини дўстлари билан келишиш.

*Сюжетли ролли ўйинлар ва драммалаш*

**“Тикув цехи кийим дўкони”**

**Мақсад:** Ателье кийим тикиш бўйича мехнатнинг мазмуни хақида тасаввурлари кенгаяди.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Матолар, болалар тикув машинаси, ўйинчоқ дазмол, дазмол учун тахтача,
илгаклар, “Ателье” расми.

**Фаолиятни бориши:**

1. Мавзуга оид расмларни кўриб чиқиш.
2. Дўкон атрибутлари, мебеллар билан танишиш.
3. Ролларни тақсимлдаш.Ўйин қоидалари билан таништириш. Мода тўпламини яратиш.
4. Ўйин жараёнида ролларни алмаштириш.
5. Болаларни рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** Модалар намойишини ташкиллаштириш.

**Эътиборга молик жиҳати.**

Ўйин пайтида болаларнинг ижодий мустақиллигини қўллаб – қувватлаш.

*Нутк ва тил маркази*

**Қўлланилиш мақсадига кўра кийимларнинг классификацияси.**
**Мақсад:** Устки ва оёқ кийимлар ва уларни қўллаш билан боғлиқ билимлари кенгаяди.Уларни фарқлайди,
улардан фойдаланишни ўрганади.
**Кераkли жихоз ва материаллар:** Оёқ кийимлар (туфли, этик, сандал) , бош кийимлар (қалпоқ, кепка), мавзуга
мос кийим – кечаклар расми.
**Фаолиятни бориши:**
1. Мавзуга мос расмларни кўриб чиқиш.
2. Кийимларни мавсумга мос равишда тақсимлаш тўғри номлаш.
3. Кийимларни вазифасига кўра ажратиш.
**Қўшимча қисм:** “Дўкон” ўйинини таклиф қилиш.
**Эътиборга молик жиҳати.**
Озодаликка ахамият бериш, ўзидан кейин йиғиштиришга ўргатиш.

*Нутк ва тил маркази*
**Ўзбек миллий либосларини ўрганиш ва тахлил қилиш**
**Мақсад:** Миллий ўзбек либослари (атлас, адрас, беқасам) ва уларнинг фарқлари билан танишади, уларни
фарқлай олади.
**Керакли жихоз ва материаллар:** Кийим – кечак мавзусига оид расмлар, Ўзбек миллий либослар, устки ва оёқ
кийимлар, мато бўлакчалари.
**Фаолиятни бориши:**
1. Мавзуга мос расмларни кўриб чиқиш.
2. Миллий кийимларни тақсимлаш.
3. Мавзуга мос ўйинлар.
**Қўшимча қисм:** Болаларга атлас матосини чизишни таклиф қилиш.
**Эътиборга молик жиҳати.**
Рангларни тўғри танлаш, озодаликка ахамият бериш, ўзидан кейин йиғиштиришга ўргатиш.

*Нутк ва тил маркази*
**“Дизайнер” касбига оид албомни кўриб чиқиш (тикувчи, дизайнер, бичувчи, дазмолчи)**
**Мақсад:** Тикувчи, бичувчи касби билан танишади. Уларнинг мухим иш жараёни ва иш қуроллраи билан
танишади.
**Керакли жихоз ва материаллар:** АКТ.Мавзуга оид расмлар.
**Фаолиятни бориши:**
1. Мавзуга мос расмларни кўриб чиқиш ва сухбатлашиш.
2. Кийим ишлаб чиқариш бўйича Слайд-шоу.
3. Мавзуга мос ўйинлар.
**Қўшимча қисм:** “Ортиқчасини топ” ўйинини таклиф қилиш.
**Эътиборга молик жиҳати.**
Хаёт хавфсизлиги, тенгдошларини диққат билан тинглаш.

*Фан ва табиат маркази*
**Уст, бош ва оёқ кийимлар ясаладиган матолар қандай тайёрланади?**
**Мақсад:** Мато, терининг келиб чиқиши хақида тасавввур хосил қилиш, матоларни сифатига кўра ажрата
олишга ўргатиш.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Наъмуналар, пахта, жун, мўйна, тери, ипак наъмуналари. Уст, бош ва оёқ
кийимлар.

**Фаолиятни бориши:**

1. Уст, бош ва оёқ кийимлар расмини кўриб чиқиш.
2. Тери, мўйна, пахта, шойи, пат наъмуналарини кўриб чиқиш.
3. Пахта хусусиятлари хақида тушунтириш.
4. Болаларни рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** Пиллачилик, ипак қурти тўғрисида слайдларни кўришни таклиф қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати.**

Тенгдошларини тинглашга ўргатиш, ўз қўшимчаларини киритиш.

*Фан ва табиат маркази*

**Матоларнинг хусусиятлари ва хилма-хиллиги.**

**Мақсад:** Матонинг хусусияти билан танишади. Матоларнинг сифат жихатидан ажрата олади.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Мато бўлакчалари, АКТ "Матолардан нималар тикамиз?"

**Фаолиятни бориши:**

1. Мато намуналарини кўриб чиқиш.
2. Уст, бош ва оёқ кийимларнинг нимадан тикилганини аниқлаш.
3. "Матолардан нималар тикамиз?" Слайд намойиши.

**Қўшимча қисм:** Пахта хақида слайдларни кўриб чиқиш..

**Эътиборга молик жиҳати.**

Саволларга тўғри жавоб бериш ва эхтиёткорлик билан харакат қилиш.

*Санъат маркази*

**Декортив расм чизиш. "Қўғирчоқ" кийимини безаш.**

**Мақсад:** Рангли қалам билан чизиш қобиляти ривожланади. Композитция хосил қилади.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Рангли қалам, салфетка, қоғоздан кесилган сарафан.

**Фаолиятни бориши:**

1. Либослар кўргазмасини кўриш.
2. Кийимлар қандай безалганлигига эътибор қаратиш.
3. Болалар ижодий ишлари.
4. Болалар ишлари ва уларни рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** Мавзу бўйича ўйинлар таклиф қилиш. Ишни аппликация билан тўлдириш.

**Эътиборга молик жиҳати.**

Болаларнинг мустақил ижодини ривожлантириш.

*Санъат маркази*

**Оригами. "Кўйлак"**

**Мақсад:** Оригами усулида буюмлар ясашга қизиқишлари уйғонади.

**Керакли жихоз ва материаллар:** Турли хил кўйлаклар, тасвирланган расмлар, буклаш учун рангли қоғозлар.

**Фаолиятни бориши:**

1. Кўйлакларни кўриб чиқиш.
2. Ишнинг боришини кузатиш.
3. Болаларнинг мустақил фаолияти.

**Қўшимча қисм:** Кўйлакни безаш учун қўшимча деталлар билан бойитишни таклиф қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати.**

Буклаш усулларини тўғри бажариш, тасаввурларини кенгайтириш.

*Мусиқа ва ритм маркази:*

***“Модалар намойиши”***